


Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги
Тошкент темир йўл мухандислари институти

«Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси



Химоя қилишга рухсат берилсин

«Бухгалтерия хисоби ва аудит»

Кафедраси мудири

И.ф.н., доц. С.М. Султанова

«__» _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: «Ўзтемирйўлмаштаъмир» Унитар корхонасида солиқларнинг

бухгалтерия хисоби ва уларнинг таҳлили мавзусида

Таълим йўналиши: 5230900 – «Бухгалтерия хисоби ва аудит»

(темир йўл транспорти) •

Битирувчи: Ш.Ш. Тохиров

Рахбар: А.Б. Джуманова

Такризчи: Н.Э. Бабахалов

Тошкент – 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги
Тошкент темир йўл мухандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси



Химоя қилишга рухсат берилсин

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

Кафедраси мудир

И.ф.н., доц. С.М. Султанова

«__» _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: “Ўзтемирйўлмаштаъмир” Унитар корхонасида солиқларнинг
бухгалтерия ҳисоби ва уларнинг таҳлили мавзусида

Таълим йўналиши: 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

(темир йўл транспорти)

Битирувчи: Ш.Ш. Тоҳиров

Рахбар: А.Б. Джуманова

Такризчи: Н.Э. Бабахалов

Тошкент – 2016 й.

Мундарижа

Кириш.....

.....2

I Боб. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи ва солиққа тортиш тизимининг таҳлили.....6

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи.....6

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг турлари ва уларнинг таҳлили.....18

II Боб. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг солиқ тўловларининг бухгалтерияҳисоби.....25

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг ҳисоблаш.....25

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг синтетик ҳисоби.....39

III Боб. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси тўлайдиган солиқлар юкини камайтириш ва корхона молиявий ҳолатини яхшилаш чоралари.....46

“O’ztemiryo’lmashta’mir” УК да тўланадиган солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини камайтириш йўллари.....46

“O’ztemiryo’lmashta’mir” UK da tўlaniладиган солиқлар юкини камайтириш чоралари.....	49
Хулоса ва таклифлар.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

Тошкент темир йўл мухандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедрасининг мажлисида
ТАСДИҚЛАНГАН
кафедра мудири
и.ф.н., доц. С.М. Султанова
«21» 12 2015 й.

«БАКАЛАВР» квалификацияси даражасини бериш учун
тайёрланадиган битирув ишига

ТОПШИРИҚ

Талаба: БХА-29 гуруҳ талабаси Тохиров Шерзоджон Шавкатович.

Мавзу: «O'ztemiryo'lmashta'mir» унитар корхонасида солиқларнинг бухгалтерия
ҳисоби ва уларнинг таҳлили

1. Қўйилган мақсад.
- 1.1. Темир йўл транспорти корхонасида солиқ турлари, уларни ҳисоблаш тартибини ўрганиш бўйича назарий билимларни ошириш;
- 1.2. Корхонада солиққа тортиш бухгалтерия ҳисобини юритишни ўрганиш;
2. Дастлабки маълумотлар:
- 2.1. Корхонанинг молиявий ҳисобот шакллари 2013-2015 йиллар учун.
- 2.2. Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 2013-2015 йиллар учун.
- 2.3. Корхонанинг солиқ туловлари бўйича ҳисобга олиш счотлар бўйича маълумотлар 2013-2015 йиллар учун
3. Иш мазмуни:
- 3.1. Тушунтириш варақаси.

Бўлимлар номи	Ҳажми %	Бажар.мудд ати
Сўз боши.	5	15.01.2016
I Боб. «O'ztemiryo'lmashta'mir» Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи ва солиқ тортиш тизимининг таҳлили	20	15.02.2016
1.1. «O'ztemiryo'lmashta'mir» корхонасининг асосий фаолияти тавсифи	10	
1.2. «O'ztemiryo'lmashta'mir» УК да тўланадиган солиқларнинг турлари ва уларнинг таҳлили	10	
II Боб. «O'ztemiryo'lmashta'mir» унитар корхонасининг солиқ тўловларининг бухгалтерия ҳисоби	25	15.03.2016
2.1. «O'ztemiryo'lmashta'mir» корхонасида тўланадиган солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби.	10	
2.2. «O'ztemiryo'lmashta'mir» корхонасида тўланадиган солиқларнинг синтетик ҳисоби.	15	
III Боб. «O'ztemiryo'lmashta'mir» Унитар корхонаси тўлайдиган солиқлар юкини камайтириш ва корхона молиявий ҳолатини яхшилаш чоралари	20	15.04.2016
3.1. «O'ztemiryo'lmashta'mir» Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини камайтириш йўллари	10	
3.2. «O'ztemiryo'lmashta'mir» Унитар корхонасида тўланиладиган солиқлар юкини камайтириш чоралари	10	

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистон Республикасининг 2015-йилги иқтисодий ва социал ривожланиш натижалари ва 2016-йилги вазифалар тўғрисида ”—Тошкент “Халқ сўзи”, 2016-йил 16-январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун. –Тошкент 1996й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. –Тошкент. 2016й.
4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси, 2007-2016 йиллар
5. “Махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиш тартиби тўғрисида Низом » -Т.:1999,2016 й.
6. Иткин.Ю.М., Сотиволдиев А.С., Тўлахўжаева М.М., Гадоев Э.Ф. “Замонавий бухгалтерия ҳисоби”.—Т.:,2008 й.
7. Ф.Г.Фуломова «Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма».- Т.:«NORMA», 2013й
8. М. Умарова , “Бухгалтерия ҳисоби”,- Т.:, 2005 й.
9. Силаев Н.И. «Темир йул транспорти молияси».- Т.: Академия, 2007 й.
10. А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов «Бухгалтерия ҳисоби».- Т.: Шарқ нашриёти, 2004 й.
11. А. Жўраев, Ш. Тошматов, О.Абдурахманов “Солиқлар ва солиққа тортиш”. - Т.: Норма 2009 й.
12. Vohobov A., Ibrohimov A., Ishonqulov N. “Moliyaviy va boshqaruv tahlili”,-- Toshkent “Sharq”, 2012 y.
13. Jo'rayev A., Vohobov A. “Soliq va soliqqa tortish”. O'quv qo'llanma—Toshkent, 2009 y.
14. Солиқ ва божхона хабарлари газетаси.—Т.:, 2013-2016й.
15. Солиқ Инфо газетаси.—Т.:, 2013-2016 й.
16. Интернет сайтлари:
<http://www.gov.uz>.
<http://www.ziynet.uz>.
<http://www.nalog.uz>.
<http://www.tashiit.uz>
<http://www.leks.uz>
<http://www.tash-trz.uz>
<http://www.uzrailway.uz>

Битирув малакавий иш раҳбари
Битирувчи



Джуманова А.Б.
Тоҳиров. Ш.Ш.

Топширикнинг берилган вақти
Топширикнинг бажариш муддати

« 20 » 12 2016 й.
« 1 » 06 2016 й.

Кириш

Мустақилликка эришганимизга эндиgina 25 йил тўлаётганига карамасдан Ўзбекистон иқтисодиёти салмоқли даражада ўсиб, жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди! Шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда қатор ислохотлар амалга оширилди. Президентимиз И.А. Каримов томонидан тараққиётнинг “Ўзбек модели” ишлаб чиқиқилиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда кучли ижтимоий адолат тамойилининг устувор йўналиш қилиб белгиланиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига асос бўлди. Кучли ижтимоий ҳимоя тамойилини таъминлашда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг урни беқиёс. Солиқлар иқтисодиётни бошқаришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар бир давлат солиқ тизимининг тўғри ташкил этилганлиги унинг иқтисодиёти ривожини ва аҳолиси турмуш даражасини белгилайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларига солиқлар ва бошқа тўловлардан имтиёзларнинг яратилиши жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ЯИМ кўрсаткичларининг ўртача йиллик 8% миқдорида ўсишига ва унинг ривожланаётган давлатлар рейтинги юқори ўринларини эгаллашига хизмат қилди. 2015-йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳомийлигида 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзусида ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг 44-ўринни эгаллаганлиги амалга оширилаётган ислохотларнинг қанчалик ўринли эканлигидан далолат беради¹.

Шу жумладан темир транспортида ҳам юксак бунёткорлик ишлари амалга оширилди. 2007-йилда “Аср қурилиши” номини олган Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл участкасининг фойдаланишга топширилиши, Тошкент–Самарқанд–Мароқанд–Қарши темир йўл қисмининг электрлаштирилиши ва ягона темир йўл тармоғини таъминлайдиган электрлаштирилган Анген–Поп темир йўл қисмининг қурилиши бошланиши шулар жумласидандир.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи. 2015-йил 16-январь.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг раҳбари О.Ж. Раматовнинг 2015-йил якунларига бағишланган маърузаси бўлиб ўтди. Маълумотларга кўра, ўтган йили йўловчи айланмаси ҳажми 3793 млн. йўловчи-км.ни ташкил етиб, 20,7 млн. йўловчи ўз манзилига етказилди. Темир йўл станцияларидан 67,7млн. тонна юк ташилди. Экспорт хизматлари кўрсаткичи 347,7 млн. АҚШ доллар миқдориغا тенг бўлиб, бу прогнозга нисбатан 100,2 фоизни ташкил етган. Саноат корхоналарида таққослама нархларда 388,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга катта аҳамият берилиб, 2015 йилда бу кўрсаткич 323,8 млрд. сўмни ташкил етди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264 сонли қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2015 йил прогнози 734, 9 млн. АҚШ доллар маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган еди. Йиғилишда ўтган йилда ушбу йўналишда 17 та лойиҳа бўйича, жами 755,16 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки прогнозга нисбатан 102,8 фоиз капитал маблағлар ўзлаштирилганлиги айтиб ўтилди. Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида соҳада модернизация ва реконструкция ишлари муҳим масала ҳисобланади. Бу борада 2015 йилда 105 та локомотив сексиялари таъмирланиб, 1258 та вагоннинг хизмат муддати узайтирилди. 240 км. темир йўл реабилитация қилиниб, 98,5 км. янги темир йўл қурилганлиги алоҳида қайд етиб ўтилди.

Қуюв механика заводида 2015 йилда янги 50 та ёпик ҳамда 278 та ярим очик вагони шлаб чиқарилди. Андижон механика заводида 4 ўқли янги вагон систерналарини ишлаб чиқариш давом еттирилди.

Бошқарув йиғилишида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳужаликларининг барчасоҳадаги фаолияти атрофлича муҳомақилиниб, ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига доир вазифалар атрофлича таҳлил қилинди.

линди. Хусусан, ёнилғиваелектрэнергиясинимеъёриданортиқ,
самарасизсарфлашборасидайўлқўйилаётганкамчиликларминтақавийтемирйў
лузелларимисолидаайтибўтилди. Йиғилишсўнгида 2016
йилдахамтемирйўлтизимидасишсуръатлариникамайтирмасликни,
янадақўпроқишлабдаромадолишниваолингандаромаднитехниккуролланишха
мдатармоқишчиларинингяшашдаражасиниянадаяхшилашгайўналтиришкаби
масъулиятнитўликбажаришлозимлигиниалоҳидатаъкидлаб,
жориййилдабажарилишизарурбўлганасосийвазифаларгатўхталибўтди.
Хусусан,
инвестициядастурибўйичарежалаштирилганмаблағларнитўлиқўзлаштириш,
“Ангрен—Поп”
електрлаштирилганянгитемирйўллинасиқурилишинитугатиш,
"Самарқанд—Бухоро"
йўналишидаюқоритезликдахаракатланувчипоездларҳаракатиниташкилетишл
ойихасибўйичаишларниаяқунлаш, "Қарши—Термиз"
участкалариниелектрлаштиришишларинидавометтиришваасосийфаолияткўр
саткичлариниўзвақтида, ортиғибиланбажаришзарурлигиалоҳидатаъкидланди.
Йиғилишдавомидаакциядорликжамиятинингкундаликфаолиятигаоидбошқаб
ирқанчамасалаларҳаматрофличамуҳокамаетилиб,
йўлқўйилганкамчиликларнибартарафетишчора-тадбирлари,
келгусидагирежаларбелгилаболинди.²

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари солиқ
тизими – мамлакат солиқ тизимининг узвий қисми ҳисобланади. Темир йўл
транспорти корхоналарида солиқ харажатлари корхоналар умумий
харажатларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Шунинг учун
корхоналарда солиқ харажатларини камайтириш, янги солиқ имтиёзларини

² “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбари О.Ж. Рамамовнинг 2015-йил якунларига бағишланган маърузаси.

ва яратилган имтиёзлардан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий иши сифатида “Корхонада солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва уларнинг таҳлили” мавзуси танланди.

Битирув малакавий иши объекти сифатида “O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонасини олинди. Битирув малакавий иши мавзусига мос равишда битирув малакавий ишининг мақсадлари қуйидагилар:

1. Темир йўл транспорти корхонасида солиқларнинг турлари, уларни ҳисоблаш тартибини ўрганиш бўйича назарий билимларни ошириш;
2. Корхонасида солиққа тортиш бухгалтерия ҳисобини юритишни ўрганиш.
3. Солиқ харажатлари камайтириш йўллари ишлаб чиқиш ва таклифлар бериш.

Бу мақсадларига эришишда қуйидаги вазифалар ечилди:

- “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи ва солиққа тортиш тизимининг таҳлили ўтказилди;
- “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолиятига тавсиф берилди;
- “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида солиқларнинг турлари ва уларнинг таҳлили ўрганилди;
- “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг солиқ тўловларининг бухгалтерия ҳисоби юритилиши кўриб чиқилди;
- “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг ҳисоб-китоби ўрганилди ва солиқлар юкини камайтириш бўйича тавсиялар берилди.

I Боб. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи ва солиқ тортиш тизимининг таҳлили

1.1. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасининг асосий фаолияти тавсифи

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибидаги саноат корхонаси ҳисобланиб, локоматив, юк ва йўловчи вагонларнинг асосий эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаради ва уларни таъмирлайди. Корхона Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ низоми, Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги қонуни ва “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси низомига асосланиб ўз бошварув фаолиятини амалга оширади ҳамда иқтисодий бошқарув усулларини марказлашган бошқарувга бирлаштирган ҳолда тўлақонли хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаштириш тамойиллари асосида фаолият юритади. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўъба корхоналар, филиаллар ва бошқа ажратилган бўлимларни очиши мумкин.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси таркибига қуйидаги корхоналар киради:

1. Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи – бош корхона;
2. “Андижон механика заводи” Шўъба корхонаси;
3. “Қуюв-механика заводи” Шўъба корхонаси;

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси мустақил юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида уз номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар кохонаси фаолиятининг бош мақсади қуйидагилар:

- ❖ Биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортининг қурилишдаги, темир йўл транспорти ҳаракат таркиби ва бошқа темир йўл техникаларининг жорий ва капитал таъмиридаги, ташиш жараёнини тўхтовсизлигини ташкиллаштиришда эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги эҳтиёжларини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш;
- ❖ Ўзбекистон темир йўллари режадаги эҳтиёжига зарар етказмаган ҳолда бошқа давлатлар темир йўлларининг ҳаракатдаги таркибини қуриш ва таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар билан таъминлаш бўйича буюртмаларини бажариш;
- ❖ Меҳнат унимдорлигини ошириш ва маҳсулот(иш, хизмат) таннархини пасайтириш асосида хўжалик фаолияти самрадорлигини ошириш.
- ❖ Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳит моддий-техник базасини режали ва комплекс ривожлантириш;
- ❖ Корхонани қайта қуrolлантириш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш масаласини ҳал этиш;
- ❖ Маҳсулот, иш, хизматлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш, асосий фондлардан самарали ва рационал фойдаланиш;
- ❖ Атроф муҳитни ифлосланишдан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли оқибатлардан муҳофаза қилиш;
- ❖ Бинолар, иншоотлар, ускуналар ва техник воситаларнинг тўғри ҳолатда сақланиши.

Юқоридаги мақсадларга эришиш йўлида корхона бир қанча вазифаларни амалга оширади. Жумладан ишлаб чиқариш соҳасида қуйидагиларни:

- Ўрнатилган тартибга мувофиқ тепловозлар, электровозлар, вагонлар ва бошқа темир йўл техникаларини таъмирлаш, модернизациялаш ва хизмат муддатини узайтириш;
- Темир йўл вагонларини қуриш;
- Темир йўл йўлларининг таъмирлаш, темир йўл ҳаракат таркибини модернизациялаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш;
- Янги техникаларни ва ностандарт ускуналарни тайёрлаш;
- Янги ишлаб чиқаришларни ташкиллаштириш ва қуриш;
- Пудрат ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- Юк кўтарувчи кранларни, механизмларни ва кран остидаги йўлларни таъмирлаш, монтаж қилиш ва ишга тайёрлаш;
- юк кўтарувчи ускуналарни ва қурилмаларни тайёрлаш ва синаб кўриш;
- бино ва иншоотларни капитал таъмири бўйича ишлаб чиқариш ишлари;
- бино ва иншоотларни капитал ва жорий таъмири бўйича смета-лойиҳаларни қайта ишлаш;
- амалдаги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва қайта қуrolлантириш;
- аҳолига халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатиш;
- меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш.
- Ташқи иқтисодий фаолиятда, жумладан хорижда хорижий фирмалар билан турли соҳаларга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш;
- Рационализаторлик таклифлари ва кашфиётларни ишлаб чиқаришда қўллаш;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, меҳнат ва соғлиқни муҳофаза қилишга доир қонунчиликда ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, бундан ташқари техник стандартларда ўрнатилган гигиена ва ҳавфизлик талабларига жавоб берувчи меҳнат шароитини яратилишини таъминлаш.

Корхонанинг молиявий ресурслари маҳсулот реализацияси, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишидан фойда, кредитлар, қимматли қоғозлар сотишдан маблағлар, пеня, жарималар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан тушумлар ҳисобидан шаклланади. Корхонанинг ҳисобот даври якунида аниқланган соф фойдаси тўлиқ ва мустақил унинг ихтиёрида қолиб, корхона соф фойдани мустақил тақсимлайди.

Корхонанинг асосий фаолиятитемир йўл транспорти ҳаракат таркибини таъмирлаш ва уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдан иборат. Корхона бўйича 2013-2015 йилларда таъмирланган воситалар миқдори 1.1-жадвалда батафсил келтирилган.

1.1-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси иктисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Кўрсаткичлар	2013-йил	2014-йил	2015-йил	2013-йилга нисбатан 2014-йилда ўзгариш		2014-йилга нисбатан 2015-йилда ўзгариш	
				(+,-)	%	(+,-)	%
1. Товар ишлаб чиқариш ҳажми, млн.сум							
Шу жумладан:							
Солиштира нарх, млн.							
Сўм							
Ҳақиқий, млн. сўм.							
Маҳсулот чиқарилган ҳажми,							

2.Тепловозлар, жами, сексия							
3.Электровозлар, жами, дона							
4.Йўловчи вагонлар (махсус вагонлар), дона							
5.Ёпик вагонлар, дона							
6.Яримочиқ вагонлар, жами, дона							
7.Гилдирак жуфтликлари, дона							
Жами:							

Манба: 2013-2015 йиллар якуни бўйича “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси генерал директори маърузалари.

Юқоридаги 1.1-жадвалда корхона 2013-2015 йиллар асосий иқтисодий кўрсаткичлари таркиби келтирилган. Унга кўра товар ишлаб чиқариш ҳажми 2013-йилда 71820,3 млн. сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 16,5% га кўп бўлиб, 83723,5 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 72214 млн. сўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмига нисбатан 14% га камдир. 2013-йилда жами 118 та тепловозсекцияларига хизмат кўрсатилди. Жумладан, 1 та тепловозларнинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилди. 2014-йилда эса 108 та тепловоз секцияларига хизмат кўрсатилиб, бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 8% кам. 2014-йилда 9 та тепловозларнинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилган. 2015-йилга келиб жами 91 та тепловоз секцияларига хизмат кўрсатилиб, жумладан 6 та тепловознинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилди. 2013-йилда 11 та электровоз, 8 та йўловчи вагонлари, 5 та ёпик вагонлар, 80 та ярим очик вагонлар таъмирланди. 2014-йилда эса 8 та электровоз, 8 та йўловчи вагонлари, 60 та ярим очик вагонлар таъмирланди. 2015-йилга келиб эса 5 та

электровоз, 8 та йўловчи вагонлари, 14 та ёпиқ вагонлар, 24 та ярим очик вагонлар таъмирланди. 2013-йилда 3796 та ғилдирак жуфтларига хизмат кўрсатилди. 2014-йилда бу кўрстакич 5433 та ни ташкил этиб, ўтган йилдаги иш ҳажмига нисбатан 43% га ошган. 2015-йилга келиб эса жами 2449 та ғилдирак жуфтларига хизмат кўрсатилиб, 2014-йил иш ҳажмига нисбатан 55% га камдир.

Корхона асосий иқтисодий фаолиятини ўрганар эканмиз корхонанинг меҳнат ресурслари ва уларни таркибини ўрганиш алоҳида эътибор талаб этади. 1.2-жадвалда корхона меҳнат ресурслари таркиби 2013-2015 йиллар бўйича берилган.

Корхона ишчилари контингенти ҳақида маълумотлар 1.2-жадвалда келтирилган бўлиб, унда ишчилар таркиби ва сони 2013-2015 йиллар бўйича таҳлил қилинган. Ишлаб чиқариш ходимлари 2013-йилда 804 кишини ташкил қилган, 2014-йилда эса ишлаб чиқариш ходимлари 704 кишини ташкил қилди, 2015-йилда ишлаб чиқариш ходимлари 690 кишини ташкил қилди. 2015-йилда корхона ишлаб чиқариш ходимлари 2013-йилга қараганда 14,2 % га камайган. Бунга асосий сабаб, шу йилларда иш ҳажмининг камайганлигидир. Хизмат курсатувчи ходимлар 2013-йилда 208 кишини, 2014-йилда эса 187 кишини ва 2015-йилда 160 кишини ташкил қилган.

1.2-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси ишчилар контингентини таҳлили, киши.

Кўрсаткичлар	2013-йил	2014-йил	2015-йил	2015 йил 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
				(+,-)	%
1. Ишлаб чиқаришдаги ходимлар					
2. Хизмат кўрсатувчи ходимлар					
3. Бошқарувчилар					

4. Мутахасислар					
5. Техник ходимлар					
Жами ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлари					

Манба: корхона ишчилар контингенти 2013-2015 йилги ҳисоботлари.

Корхона бошқарувида 2013-йилда 190 киши банд бўлган, 2014-йилда эса 168 киши ва 2015-йилда бошқарувда банд бўлган 110 кишини ташкил қилган. Бошқарувда банд бўлган ходимларнинг камайиши ўз навбатида давр харажатларининг камайишига олиб келади. Мутахасислар 2013-йилда 169 кишини, 2014-йилда 149 кишини ташкилган бўлса, 2015-йилда мутахасислар сони 102 кишини ташкил қилган. Корхона техник ходимлари 2013-йилда 53 кишини ташкил қилган, 2014-йилда техник ходимлар сони 52 кишини ташкил қилган бўлса, 2015-йилга келиб техник ходимлар сони 2013-йилга қараганда 37,7% га кам яъни 20 кишини ташкил қилди.

Корхона мол-мулки, хусусий капитали ва мажбуриятлари миқдорини ўрганиш корхона мол-мулкини шаклланишида корхона ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларининг улушларини билишга имкон беради. Бу эса корхона молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қуйидаги 1.3-жадвалдан “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлилин кўришимиз мумкин.

1.3-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлили, млн.сўм ҳисобида.

Актив мулкнинг гуруҳлари	2013-йил	2014-йил	2015-йил	Пассив Мулк манбаларининг гуруҳлари	2013-йил	2014-йил	2015-йил

1.Узоқ муддатли активлар				1. Ўз маблағларини нг манбалари			
2. Жорий активлар				2.Мажбуриятл ар			
2.1. Товар моддий захиралар				2.1 Узоқ муддатли мажбуриятлар			
2.2.Дебиторли к қарзлар				2.2.Қисқа муддатли қарзлар ва кредит-лар			
2.3.Пул маблағлари				2.3. Кредиторлик қарзлари			
Жами:							

Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК баланси 2013-2015 йиллар.

Юқоридаги 1.3-жадвалда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикаси келтирилган бўлса. Унга кўра узоқ муддатли активлар 2013-йилда 13526,4 млн. сўмни ташкил қилган, 2014-йилга келиб эса 17167,6 млн. сўмни ташкил қилиб, утган йилга нисбатан 27% га ошган. 2015-йилда узоқ муддатли активлар 18084.3 млн. сўмга етиб 2014-йилга нисбатан 5.3% га ортган. Жорий активлар 2013-йилда жами 60841,8 млн. сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса жорий активлар 46475,3 млн. сўмни ташкил этиб, 2013-йилга нисбатан 24% га камайган. 2015-йилга келиб жорий активлар 39374,5 млн. сўмни ташкил этди, бу эса утган йилга нисбатан 15% га кам. Корхонанинг ўз маблағлари манбалари 2013-йилда 38925,2 млн.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 4% га кўп яъни 40494,6 млн. сўмни ташкил қилди. 2015-йилга келиб ўз маблағлари манбалари 41518 млн. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 2,5% га ошди. Мажбуриятлар 2013-йилда 35443,1 млн.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса мажбуриятлар 23148,3 млн. сўмни ташкил

килиб, ўтган йилга нисбатан 35% га камайган. 2015-йилда корхона мажбуриятлари 2014-йилга нисбатан 61% га камайиб, 15458 млн. сўмни ташкил қилган.

Корхонанинг ўзихтиёрида қолладиган соф фойдаси қорхонани қайта молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланиб, бу кўрсаткич ташқи ва ички фойдаланувчилар учун бирдек муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Корхона соф фойдаси нима ҳисобидан шаклланганини қуйидаги 1.4-жадвал ва 1.5-жадвал маълумотларидан билиб оламиз.

Корхона даромадлари таркиби ва уларнинг 2013-2015 йиллардаги динамикаси таҳлили юқоридаги 1.4-жадвалда келтирилган. Маҳсулот (иш, хизматларни) сотишдан соф тушум 2013-йилда 72513,3 млн.сўмни ташкил этди. 2014-йилда бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14% кўп яъни 82314,4 млн. сўмни ташкил этди. 2015-йилда эса Маҳсулот (иш, хизматларни) сотишдан соф тушум ўтган 2014-йил кўрсаткичига нисбатан 19% га кам, яъни 66730,59 млн. сўмни ташкил қилди. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 2013-йилда 1114,9 млн. сўмни ташкил қилди. 2014-йилда эса ўтган 2013-йилга нисбатан 8% пастроқ яъни 1028,7 млн. сўмни ташкил этди. 2015-йил асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 1544,4 млн. сўмни ташкил этди яъни 2014-йил кўрсаткичига нисбатан 50% га ошган. Асосий фаолиятнинг фойдаси 2013-йилда 2337,6 млн. сўмни ташкил этган. 2014-йилда бу кўрсаткич сезиларли даражада камайган ўтган йилга нисбатан 43% га кам.

1.4-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси даромадларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси, млн. сўм

Кўрсаткичлар	2013-йил	2014-йил	2015-йил	2013-йилга нисбатан 2014-йилда		2014-йилга нисбатан 2015-йилда	
				(+,-)	%	(+,-)	%
1.Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум							
2.Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари							
3.Асосий фаолиятнинг фойдаси							
4.Молиявий фаолиятнинг даромадлари							
5.Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси							
6.Даромад (фойда) солигини тўлагунга кадар фойда							
7.Хисобот даврининг соф фойдаси							

Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

Корхона соф фойдаси 2013-йилда 1529,37 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014-йилга келиб 717,337 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 53% га камайган. Бунга сабаб 2014-йилда корхона давр харажатларининг нисбатан ошганлиги бўлган. 2015-йилда эса корхона соф фойдаси 2039,74 млн. сумни ташкил этиб, 2013-йилга нисбатан 33% га ошган.

1.5-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси. млн.сўм.

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2013-йилга нисбатан, 2014-йилда ўзгариш		2014-йилга нисбатан, 2015-йилда ўзгариш	
				(+,-)	%	(+,-)	%
1.Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарни							
2.Давр харажатлари, жами							
3.Молиявий фаолият бўйича харажатлар							
4.Даромад (фойда) солиги							
5.Фойдадан бошка соликлар ва йигимлар							

Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

1.5-жадвалда корхона харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси келтирилган. Сотилган маҳсулот (иш ва хизматлар) таннарни корхонада 2013-йилда 61294,31 млн. сўмни ташкилётган. 2014-йилда эса

таннар кўрсаткичи 2013-йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмига мос равишда 13% га ортган ва 69346,14 млн. сўмни ташкил этган. 2015-йилда бу кўрсаткич 53938,27 млн. сўмни ташкил этган. Корхона давр харажатлари 2013-йилда 9996,28 млн. сўмни ташкил этган. 2014-йилга келиб давр харажатлари 2013-йилдагига нисбатан 27% га ортган ва 12675,53 млн. сўмни такил қилган. 2015-йилда эса давр харажатлари 11771,9 млн. сўмни ташкил қилган бу эса ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 7% га камдир. Қорхона молиявий фаолияти бўйича харажатлар 2013-йилда 368,842 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, 2014-йилда ўтган йилга нисбатан 26% га камайган ҳолда 266,415 млн. сўмни ташкил этган. 2015-йилга келиб молиявий фаолияти бўйича харажатлар ўтган йилга нисбатан 89% камайган ҳолда 28,452 млн. сўмни ташкил қилган. Фойда солиғи харажатлари 2013-йилда 361,593 млн. сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса фойда солиғи харажатлари 316,038 млн. сўмни ташкил қилган ҳолда утган йилга нисбатан 13% га камайган. 2015-йилда фойда солиғи харажатлари 361,728 млн. сўмни ташкил этиб, 2014-йилга нисбатан 14% га ошган. 2015-йилда асосий фаолиятнинг фойдаси 2014-йилга нисбатан деярли икки баробарга яъни 94% га ошиб, 2564.8 млн. сўмни ташкил этган. 2013-йилда корхона молиявий фаолият даромадлари 55,146 млн. сўмни ташкил қилган ҳолда корхона умумхўжалик фаолияти фойдаси 2023,95 млн. сўмни ташкил этган. Молиявий фаолият даромади 2014-йилда 40,782 млн. сўмни ташкил қилиб, асосан дивидентлар шаклидаги даромадларлан шаклланган. 2014-йилда корхона умумхўжалик фаолияти фойдаси 1095,75 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015-йилга келиб бу кўрсаткич 2578,83 млн. сўмни ташкил этган.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўловчиси ҳисобланиб, ҳисоб сиёсатиға биноан қуйидаги солиқ турларини ҳисоблайди ва улар бўйича тўловларни амалға оширади: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; сув ресурслвридан фойдаланганлик учун солиқ; юридик шахслардан олинадиган мол-мулк

солиғи; юридик шахслардан олинадиган ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси ушбу солиқ турларини тўлаганидан сўнг ўзихтиёрида қолладиган соф фойдаси қорхонани қайта молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

1.2. “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК да тўланадиган солиқларнинг турлари ва уларнинг таҳлили

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўловчиси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига кўра ва ҳисоб сиёсатига биноан қуйидаги солиқ турларини ҳисоблайди ва улар бўйича тўловларни амалга оширади:

- ❖ Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ❖ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ❖ Қўшилган қиймат солиғи;
- ❖ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- ❖ Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси барча молиявий ва солиқ ҳисоботларни корхона жойлашган маҳаллий давлат солиқ инспекциясига бош қорхонанинг тугалланган бухгалтерия балансини ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ га “Қуюв механика заводи” Шўъба қорхонаси ҳамда “Андижон механика заводи” Шўъба қорхонаси балансари кўрсатилган умумлашган бухгалтерия балансини тузади ва тақдим этади.

“Қуюв механика заводи” Шўъба қорхонаси ва “Андижон механика заводи” Шўъба қорхонаси ҳам мустақил равишда ўзлари жойлашган

маҳаллий давлат солиқ инспекцияларига ҳамда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасига тугалланган бухгалтерия балансини тақдим этишади.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси ва унинг шўъба корхоналари мустақил равишда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси ҳисоб сиёсати ва амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда барча солиқлар бўйича тўловларни амалга оширадилар.

Корхона тўлайдиган солиқлар таркибини ва миқдорини 1.6-жадвалда кўриб чиқамиз.

1.6-жадвал

Солиқлар турлари	Ҳисобот			2013-йилга нибатан 2014- йилда ўзгариш		2014-йилга нибатан 2015- йилда ўзгариш	
	2013- йил	2014- йил	2015- йил	(+,-)	%	(+,-)	%
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи							
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқ							
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи							
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ							
Қўшилган қиймат солиғи							
Мол-мулк солиғи							

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи							
Буджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазо							
Бошқа солиқлар							
Жами:							

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси 2013-2015 йилларда тўлаган солиқлар динамикаси, млн. сўм.

Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар.

Юқоридаги 1.6-жадвалда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси 2013-2015 йилларда тўлаган солиқ суммалари динамикаси келтирилган. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2013-йилда 361,59 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 13% га камайгани ҳолда 316,038 млн. сўмни ташкил қилган. Бунга асосий сабаб 2014-йилда давр харажатларининг нисбатан ошганлигидир. 2015-йилга келиб эса фойда солиғи 361,73 млн. сўмни ташкил қилган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2013-йилда 2051,3 млн. сўмни, 2014-йилда эса 2311,1 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда даромад солиғи ўтган 2014-йилга нисбатан 13% га камайган ва 2007,2 млн. сўмни ташкил қилган. Бунга корхона ишчиларининг ўтган йилга нисбатан камайгани сабаб бўлган. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 2013-йилда 132,99 млн. сўмни ташкил қилган бўлса 2014-йилда эса 62,376 млн. сўмни ташкил қилган. 2014-йилда корхона солиқ тўлагунга қадар фойдасининг кам чиққанлиги мазкур солиқ турининг 53% га камайишига сабаб бўлган. 2015-йилга келиб эса солиқ суммаси 177,37 млн. сўмга етган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 2013-йилда 37,66 млн. сўмни

ташкил этган. 2014-йилда фойдаланилган сув ресурслари учун солиқ ставкаси 1 куб.м учун ер усти манбали учун 8,6 сўмга, ер ости манбалари учун 10,9 сўмга ошганлиги сабабли 52,684 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда эса солиқ суммаси 54,574 млн. сўмни ташкил этган. Қўшилган қиймат солиғи 2013-йилда 4992,4 млн. сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса ҚҚС суммаси утган йилга нисбатан 99,6% га ошган ҳолда 9969,6 млн. сўмни ташкил этган. 2015-йилда эса ҚҚС суммаси 2014-йилга қараганда 0,5%га ошгани ҳолда 10019 млн. сўмни ташкил этган. 2013-йилда мол-мулк солиғи суммаси 133,64 млн. сўмни ташкил этган. 2014-йилда эса 188,96 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилга келиб эса мол-мулк солиғи суммаси 2014-йилга нисбатан 195% га ошиб, 557,07 млн. сўмни ташкил этган. 2015-йилда мол-мулк солиғининг ошиб кетишига тугалланмаган қурилишда бўлган асосий воситаларнинг муддати ўтиб кетганлиги туфайли иккиланган фоиз ставкаси қўлланилганлиги сабаб бўлган. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи суммаси 2013-йилда 1349,5 млн. сўмни ташкил этган. 2014-йилда ер солиғи суммаси ўтган йилга нисбатан 32% га ошиб, 1781,1 млн. сўмни ташкил этган. 2015-йилда ер солиғи суммаси 2014-йилга нисбатан 11%га ошиб, 1984,7 млн. сўмни ташкил этган.

Қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида 2013-2015 йилларда бюджетга ҳисобланган жами солиқ суммаларини йиллар бўйича таҳлил қилишимиз мумкин.




Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар.

1.1-расм. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси 2013-2015 юджетга ҳисобланган жами солиқлар, млн. сўм.

Юқоридаги 1.1-расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак бюджетга ҳисобланган солиқлар йилдан-йилга ўсиб борганини кўришимиз мумкин. Жумладан 2013-йилда жами 9222,5 млн. сўм солиқ ҳисобланган. 2014-йилда эса бюджетга ҳисобланган жами солиқлар 2013-йилга қараганда 60% га ошган. 2015-йилга келиб эса бюджетга ҳисобланган жами солиқлар 15269 млн. сўмни ташкил этган, бу эса 2014-йилга ҳисобланган солиқ суммасини 103,2% ни ташкил этади.

Конхона 2013-йилда тўлаган солиқларнинг 2013-йилда бюджетга ҳисобланган жами солиқлардаги улуши 1.2-расмда келтирилтирилган.




Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар.

1.2-расм. 2013-йилда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси томонидан бюджетга ҳисобланган солиқлар.

2013-йилда бюджетга ҳисобланган солиқ суммалари солиқлар туралари бўйича юқоридаги 2-расмда батафсил келтирилган. “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК тўлайдиган солиқлари орасида энг катта улуши қўшилган қиймат солиғига тўғри келади. 2013-йилда ҳам энг катта улуш қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, у жами солиқларнинг 55% ни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2013-йилда 2051,3 млн. сўмни ташкил этган ҳолда жами солиқларнинг 23% га тенг. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи жами солиқларнинг 15% (1349,5 млн. сўм) ни ташкил этган учинчи ўринни эгаллаган. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2013-йилда 361,59 млн. сўмни ва жами солиқлар ичида улуши 4% ни ташкил қилган. Кейинги ўрин мол-мулк солиғига тўғри

келадиб, жами солиқлар ичидаги улуши 1,4%(133,64 млн. сўм) га тенг. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам жами солиқларнинг 1,4% (132,99 млн. сўм) ни ташкил этади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жами солиқлар ичида 0,4% (37,66 млн. сўм) ни ташкил этган. Солиқлар ичида энг кичик улуш бошқа солиқларга тўғри келиб, бошқа солиқлар жами солиқларнинг 0,14% (13,772 млн. сўм) га тенг.

Конхона 2014-йилда тўлаган солиқларнинг 2014-йилда бюджетга ҳисобланган жами солиқлардаги улуши 1.3-расмда келтирилтирилган.



Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар.

1.3-расм. 2014-йилда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси томонидан бюджетга ҳисобланган солиқлар.

2014-йилда бюджетга жами 14800 млн. сўмлик солиқлар ҳисобланган. Шундан 68% яъни 9969,6 млн. сўми қўшилган қиймат солиғига тўғри келади.

Кейинги ўринда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўлиб, у 2014-йилда ҳисобланган солиқларнинг 16% (2311,1 млн. сўм) ни ташкил этган.

Ер солиғи 2014-йилда 1781,1 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, жами солиқларда улуши 12% га тенг. Фойда солиғи 2014-йилдаги жами солиқларнинг 2% (316,04 млн. сўм) ни ташкил этган. 2014-йилда мол-мулк солиғи жами солиқлар 1,3% (188,96 млн. сўм) ташкил қилган. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожланитриш солиғи ўтган йилга нисбатан 53% га камайган ва 2014-йилда жами солиқларнинг 0,4% (62,376 млн. сўм) ни ташкил қилган. Энг кичик кўрсаткичлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқа солиқларга тўғри келади.

Конхона 2015-йилда тўлаган солиқларнинг 2015-йилда бюджетга ҳисобланган жами солиқлардаги улуши 1.4-расмда келтирилтирилган.



Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар.

1.4-расм. 2015-йилда “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси томонидан бюджетга ҳисобланган солиқлар.

2015-йилда бюджетга ҳисобланган солиқлар жами 15269 млн. сўмни ташкил этган. 4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики қўшилган қиймат солиғи бюджетга ҳисобланган барча солиқларнинг энг катта яъни 66% (10019 млн. сўм) ни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи эса 2015-йилда жами солиқларнинг 13% (2007,2 млн. сўм) ни ташкил этган. Ер солиғи суммаси ҳам ўтган йилларга нисбат ошган ва 2015-йилда жами солиқларнинг 13% (1984,7 млн. сўм)ни ташкил этган. 2015-йилда мол-мулк солиғи суммаси 2014-йилга нисбатан 195% га ошган ва жами ҳисобланаган солиқларнинг 4% ни ташкил этган. юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2015-йилда ҳисобланган солиқларнинг 2% (361,73 млн. сўм) ни ташкил этган. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи эса ҳисобланган солиқларнинг 1,2% (177,37 млн. сўм) ни ташкил этган. Бошқа солиқларнинг улуши 0,7% (107,08) ни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ эса 0,35% (54,574 млн. сўм) ни ташкил қилган.

Биринчи боб бўйича шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида товар ишлаб чиқариш ҳажми 2013-йилда 71820,3 млн. сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 16,5% га кўп бўлиб, 83723,5 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 72214 млн. сўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмининг 86% ни ташкил қилган. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўловчиси ҳисобланиб, ҳисоб сиёсатига биноан қуйидаги солиқ турларини ҳисоблайди ва улар бўйича тўловларни амалга оширади: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; сув

ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи; юридик шахслардан олинадиган ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи. 2013-йилда жами 9222,5 млн. сўм, 2014-йилда эса 14800 млн. сўм, 2015-йилга келиб эса жами 15269 млн. сўмлик солиқлар бюджетга ҳисобланган ва тўланган.

II. Боб. “O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонасининг солиқ тўловларининг бухгалтерия ҳисоби

2.1. “O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг ҳисоблаш тартиби

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитида вамамакат солиқ тизими тез ривожланади. Шунинг учун бу шароит молия бўлимининг ходимлари ва бухгалтерлардан солиқ тизими тенденциясини доимо ўрганиб бориш заруратини талаб этади, чунки солиқ тизимининг ўзгариши хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларига бевосита таъсир кўрсатади.

Солиқларни ҳисоблаш тартиби, тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида, солиқларни, йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича йўриқномаларда келтирилган.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан барча солиқ тўловларини тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

- ❖ Корхоналарнинг оборотидан олинадиган солиқлар – уларга аксиз солиғи, ҚҚС ва экспорт бўйича божхона тўловлари киради;
- ❖ Корхоналарнинг бошқа операцион харажатларига киритиладиган солиқлар – уларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости

бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ киради;

- ❖ Корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқлар – уларга фойда солиғи, ялпи тушумдан ягона солиқ, ягона ер солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи киради;
- ❖ Жисмоний шахслар даромадларидан ушланадиган солиқ.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси қуйидаги солиқларни тўловчи ҳисобланади:

- ❖ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- ❖ Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- ❖ Қўшилган қиймат солиғи;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ❖ Ободонлаштириш ва ижтимоийинфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- ❖ Жисмоний шахслар даромадидан ушланадиган даромад солиғи;
- ❖ Бошқа солиқлар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонунига кўра 1998 йил 1-январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдават солиқлари таркибига кириб, республика бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига асосан ушбу солиқ тушуми маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилди.

Фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш базаси ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув хажми сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг хажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари хажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси қуйидагича аниқланади:

$$\text{ССБ} = \text{ЖОСҚ} - \text{ССБК}$$

Буерда: ССБ – солиқ солинадиган база; ЖОСҚ – солиқ солиниши лозим бўлган жами олинган сувнинг умумий хажми; ССБК – солиқ солинадиган базани камайтириш.

$$\text{БТСС} = \text{ССБ} * \text{СС} + \text{камайтиришга} - \text{қўшимча тўлашга}$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланадиган солиқ суммаси; СС – солиқ ставкаси.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига жорий йилнинг 15 февралигача қишлоқ хўжалиги аҳамиятига

эга бўлмаган ҳамда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун белгиланган шакллар (8-илова) бўйича тақдим этилади.

Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шарти билан имтиёзлар олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга, 5%ини эса Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Ҳисоб-китобларда Жамғармага тўланадиган сумма алоҳида сатрда акс эттирилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ер участкаси ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш далолатномалари бўйича қабул қилинади.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (бекор бўлган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойданкечиктирмай давлат солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ер солиғи тўланадиган ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Агар алоҳида бино бир неча юридик шахснинг балансида бўлса, ер солиғини ҳар бир юридик шахс алоҳида, эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мутаносиб равишда тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини турар жой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналарининг ҳиссасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқни ҳар чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушлар билан тўлайдилар (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр).

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизини, ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизини ва ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – ҳисобланган солиқнинг қолган (50 фоизи) суммасини тўлашни амалга оширади.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. (Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланса, улар ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайдилар.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, агар бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу

суммалар солиқ тўловчига ўттиз кун ичида унинг ёзма аризаси бўйича қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Ёр солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар, ҳудудида ёр участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар ёр участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

Юридик шахсларнинг бюджет билан ёр солиғи бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Юридик шахслардан олинадиган ёр солиғи ҳисоб китоби қуйидагича амалга оширилади:

$$ССБ = ЕУУМ - ССЕМ$$

Бу ерда: ССБ – солиқ солинадиган база; ЕУУМ – ёр участкасининг умумий майдони; ССЕМ – солиқ солинмайдиган ёр майдони.

$$БТСС = ССБ * СС$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланадиган солиқ суммаси; СС – солиқ ставкаси.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни бюджетга жорий тўловлар суммасини корхона ҳисобот йили мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб боровчи якун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил якунлари бўйича йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай объект жойлашган жойдаги давлат солиқ органларига белгиланган шаклда (7-илова) тақдим этадилар. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай тўланади. Акс ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,05 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) қўлланилади.

Мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этадилар.

Ортиқча тўланган солиқ суммалари, агар солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичида корхонага қайтарилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади.

Мол-мулк солиғи ҳисобланганда бухгалтерияда давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебитланади, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредитланади. Солиқ бюджетга ўтказилганда

бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебитланади, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредитланади.

$$\text{ССБ} = \text{АВБҚ} - \text{ССБК}$$

Бу ерда: ССБ – солиқ солинадиган база; АВБҚ – Асосий воситалар, шу билан биргаликда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

ССБК – солиқ солинадиган базани камайтиришлар.

$$\text{БТСС} = \text{ССБ} * \text{СС}$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланадиган солиқ суммаси; СС – солиқ ставкаси.

Солиқ қонунчилигига асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланиши солиқ тўловчиларнинг олиб бораётган хўжалик операцияларига боғлиқ равишда солиққа тортиладиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Товарлар сотилганда, иш ва хизматлар бажарилганда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши. Республикамизда қўшилган қиймат солиғи жорий этилгандан буён солиқни ҳисоблашнинг икки турдаги усули амал қилган, яъни ишлаб чиқарилган товарларни жўнатиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ҳисобга олиш усули ёки ҳисобварақ-фактура усули ҳамда улгуржи ва чакана савдо, воситачилик хизмати кўрсатиш соҳаларида ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган. Бунда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган база нархлар фарқи сифатида, устама ва мукофот ҳақи суммаси сифатида аниқланиб шу суммадан солиқ ҳисобланган.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг “ҳисобга олиш ҳисоб-фактура” усулининг моҳияти шундаки, корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларга (хизматларга) ҳисобланган солиқ миқдоридан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом-ашё, материаллар учун тўланган солиқ миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Чегирешга ҳисобот даврида ҳисоб-фактура билан қабул қилинган хом-ашё, материаллар, шу жумладан импорт қилинган товарларга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси қабул қилинади.

Асосий восита ва номоддий активларни сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Корхонанинг ўз эҳтиёжи учун олинган асосий восита ва номоддий активлари корхонанинг бухгалтерия балансида мол етказиб берувчига тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан бирга ёзилиб кириш қилинади. Агар балансидаги асосий воситалар ва номоддий активлар сотилса, у ҳолда асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб, сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бунда, агар корхона асосий воситалар ва номоддий активларни қолдиқ қийматида сотса, у ҳолда солиққа тортиладиган объект бўлмайди ва бюджетга солиқ тўланмайди. Шунингдек, асосий воситалар ва номоддий активларни ишлаб чиқарувчи ва уни олди-сотти фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Воситачилик хизматлари кўрсатилганда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши. Воситачилик хизматлари бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда “ялпи фойда” (чегиреш) усули қўлланилади. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, солиқ баҳо фарқи, устама ва мукофотлар сифатида олинган даромаддан ҳисобланади. Бюджетга солиқ тўлашда ҳисобланган солиқ суммаси ушбу даромадни олишга сарфланадиган хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи суммасига камайтирилади. Демак, қўшилган қиймат

солиғи суммасини воситачилик корхоналари мукофотлар суммасидан ҳисоблайдилар.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш. Умумдавлат солиқларини тўловчи корхоналарда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг амалдаги механизми солиқни ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган янгидан яратилган қийматдан тўланишини кўзда тутди. Қўшилган қиймат икки маротаба солиққа тортилмайди.

$$ССБ = РО - СО - НС$$

Бу ерда: ССБ – солиқ солинадиган база; РО – Товарлар, ишлар, хизматлар реализация қилиш оборотлари, жами; СО – ҚҚС дан озод қилинадиган сумма; НС – ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган сумма.

$$БТСС = ССБ * СС - ОТБ$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланиладиган солиқ суммаси; СС – ҚҚС ставкаси; ОТБ – Олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинган лозим бўлган ҚҚС суммаси.

Юридик шахслардан олинладиган фойда солиғи қуйидагича ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

- ❖ товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинладиган даромадлар;
- ❖ бошқа даромадлар.

Фойда солиғи қуйидагича кетма-кетликда ҳисобланади:

1) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

бу ерда: ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

2) асосий фаолиятдан олинган фойда.

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,$$

бу ерда: АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3) умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар).

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

Бу ерда: УФ-умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД-молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ-молиявий фаолият харажатлари;

4) солиқ тўлангунча олинган фойда.

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ,$$

Бу ерда: СТФ-солиқ тўлагунча олинган фойда; ФФ-фавқулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавқулодда вазиятдан кўрилган зарар.

Йилнинг соф фойдаси, корхона фойда солиғини ва ундан кейин ободонлаштриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлагандан сўнг корхонанинг ўзида қолади.

5) бюджетга тўланиладиган солиқ суммаси

$$БТСС = (СТФ + ЧХ - ФДД) * СС$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси. ЧХ – солиқ кодексининг 147-моддасида келтирилган чегирилмайдиган харажатлар; ФДД – фоиз ва дивидент кўринишидаги даромадлар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидагича ҳисобланади:

Солиқ кодексининг 300-моддасига кўра балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайди:

Агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

Агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади.

Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

- ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;

- илгариги ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси солиқ солинадиган база суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлган солиқ тўловчилар;

- ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби (9-илова) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб боровчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$ССБ = СТФ - ЧХ - ФДД - ФСС$$

Бу ерда: СТФ – солиқ тўлагунга қадар фойда; ЧХ – солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ чегирилмайдиган харажатлар; ФДД – фоиз ва дивидент кўринишидаги даромад; ФСС – фойда солиғи суммаси.

$$БТСС = ССБ * СС$$

Бу ерда: БТСС – бюджетга тўланиладиган солиқ суммаси; СС – ҚҚС ставкаси;

Жисмоний шахслар даромадидан ушланадиган даромад солиғини ҳисоблаш тартиби:

Асосий иш жойидан олинадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб борувчи якун билан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб солиқ солинадиган жами даромад суммасидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олғунига қадар белгиланган шакл бўйича жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган ҳолларда солиқ солинадиган даромаддан энг юқори ставка бўйича солиқ ундирилади. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда ундирилган умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатиlgанидан сўнг тўланган бўлса, мазкур мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот бир ой муддатда истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи якун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб (агар бундай даромадлар тўланган бўлса), белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад оловчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги тақдим этилган декларация маълумотлари бўйича солиқ хизмати органи томонидан даромад солиғи якуний суммаси ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Даромад солиғини ҳисоблашнинг муҳим жиҳати бюджетга тўланадиган солиқ суммасининг миқдори ходимга жами ҳисобланган ойлик маошининг Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўрт ставка бўйича ҳисобланишидир. Бунда йил давомида ҳисобот йили бошида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори ўзгаришсиз қолади. Келтирилган 2.1-жадвалда кўрсатилган фоиз ставкалари асосида жисмоний шахслар даромадидан ўсиб боровчи якун тартибида даромад солиғи ставкалари келтирилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромат солиғи ставкалари, 2016-йил бўйича.

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг 1 барваригача миқдорда	0 %
Энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан (+1 сўм) 5 бараваригача миқдорда	7,5 %
Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан (+1 сўм) 10 бараваригача миқдорда	17 %
Энг кам иш ҳақининг 10 баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	23 %

Манба: Ўзбекистон республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ПҚ-2455-сон қарори.

Юқоридаги 2.1- жадвалда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўсиб борувчи якун тарзида ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши солиқ суммаси нотўғри ҳисобланган ҳолларда ушбу хатонинг кейинги ойда тўланадиган солиқ суммасини камайтириши ёки кўплатириши ҳисобига ўз-ўзидан тузатилиб кетишига имкон яратади.

2.2 “O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг синтетик ҳисоби

Корхонада хўжалик операциялари синтетик ҳисоби 21-сон “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” БҲМС га мувофиқ амалга оширилади. Жумладан бюджетга солиқ тўловлари бўйича мажбуриятларнинг ҳисоб-китоблари 6410 – “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” ҳисоб варағида ҳисобга олинади. 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисоб варағининг кредитида бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурият суммаси олинадиган счётлар, давр харажатлари, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс

эйтирилади. Якуний ҳисоб-китобда, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга илгари ўтказилган бўнак тўловлари 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисоб варағининг дебет томонида бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) билан боғланган ҳолда акс эйтирилади. Бюджетга ҳақиқатда ўтказилган суммалар 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисоб варағининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эйтирилади.

6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” ҳисоб варағи бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида юритилади.

Бюджетга солиқлар бўйича бўнак тўловлари 4410 – “Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” ҳисоб варағида ҳисобга олинади. Бюджетга бўнак тўловлари ўтказилганда бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)нинг дебети ва пул маблағларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ёзувлар амалга оширилади. Бюджетга тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)” ҳисоб варағининг дебети ва бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)нинг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун корхонафойдасининг ишлатилиши қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

9810 – “Фойда солиғи бўйича харажатлар”

9820 – “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар”

Йил давомида бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бўйича ҳисобланган тўловлар 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланадиган бошқа солиқ ва йиғимлар

бўйича харажатлар” ҳисоб варағининг дебитида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даври тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда 9810 “Фойда солиғи бўйича харажатлар”, 9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” ҳисоб варағи 9910 “Якуний молиявий натижа” ҳисоб варағи билан боғланган ҳолда ёпилади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонаси ва унинг шўъба корхоналари барча солиқларни Давлат солиқ органларига мустақил тўлайдилар.

Корхона солиқ ҳисоботи солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш тартиби ва уларни тегишли солиқ органларига солиқ қонунчилигига мувофиқ топширишдан иборат.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси мустақил равишда ўзи рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органларига барча солиқлар бўйича солиқ ҳисоб-китобларини топширади ва уларни ўз муддатида тўлашни таъминлайд³.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” унитар корхонаси 21-сон БҲМС ва ҳисоб сиёсатига мувофиқ солиқлар бўйича бўнақ тўловлари ва мажбуриятларни қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олиади:

Бюджетга солиқлар бўйича бўнақ тўловлари

³“Ўзтемирийўлмаштамир” УК ҳисоб сиёсати 18.6

- 4400 – ДСИ га мол-мулк солиғи бўйича бўнақлар;
- 4411 – ДСИ га сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақлар;
- 4420 – ДСИ га ер солиғи бўйича бўнақлар;
- 4421 – ДСИ га ер солиғи бўйича бўнақлар(бўлимлар бўйича);
- 4430 – Фойда солиғи бўйича бўнақлар;
- 4450 – Қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнақлар;
- 4460 – Инфратузилма солиғи бўйича бўнақлар.

Бюджетга солиқлар бўйича мажбуриятлар

- 6400 – ДСИ га мол-мулк солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6410 – ДСИ га даромад солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6411 – ДСИ га сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича мажбуриятлар;
- 6420 – ДСИ га ер солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6421 – ДСИ га ер солиғи бўйича мажбуриятлар(бўлимлар бўйича);
- 6430 – Фойда солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6450 – Қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6460 – Инфратузилма солиғи бўйича мажбуриятлар;
- 6490 – Солиқлар бўйича пеня тўловлари.

Корхонада бюджетга тўланиладиган солиқ суммаси ҳисобот тугагунга қадар дастлаб тахминий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади ва тўланади. Ҳисобот даври тугаганидан сўнг, ҳақиқатда юзага келган солиқ мажбуриятлари тўғрисидаги солиқ ҳисоботлари давлат солиқ инспекциясига тақдим этилади. Бунда тахминий тўланган солиқ суммаси ҳақиқатдагидан кам бўлса, у ҳолда қўшимча тўлов амалга оширилади. Агарда тахминий тўланган солиқ суммаси ҳақиқатда юзага келган солиқ суммасидан ортиқча бўлса, у ҳолда ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ кодексининг 56-моддасига кўра қуйидагича кетма-кетликда ҳисобга олинади:

- 1) солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 2) бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- 3) бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;
- 4) мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;
- 5) бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида ҳисобланган солиқларнинг синтетик ҳисоби қуйидагича амалга оширилади.

Мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиниши.

Д-т	5110	К-т	Д-т	4400	К-т	Д-т	6400	К-т
	(1)	(3)						
		557,07					557,07	

Мол-мулк солиғи бўйича мажбуриятларни ҳисобга олиниши.

Д-т	6400	К-т	Д-т	9430	К-т
			(2)		

557,07

Даромад солиғи бўйича мажбуриятларнинг ҳисобга олиниши.

Д-т	6710	К-т	Д-т	6410	К-т	Д-т	5110	К-т
(1)		(2)						
		2007,2		2007,2				

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини ҳисобга оллиниши.

Д-т	5110	К-т	Д-т	4411	К-т
			(1)		
		54,574			

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиниши.

Д-т	9430	К-т	Д-т	6411	К-т	Д-т	4411	К-т
(2)	54,574	54,574	(2)					
		(3) 54,57			(3) 54,574			

Ер солиғи бўйича бунак тўловларининг ҳисобга олиниши.

Д-т	5110	К-т	Д-т	4420	К-т
			(1)		
		1984,7			

Ер солиғи бўйича мажбуриятларининг ҳисобга олиниши.

Д-т	9430	К-т	Д-т	6420	К-т	Д-т	4420	К-т
(1)	1984,7	1984,7 (1)						
		(2) 1984,7			1984,7(2)			

Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларининг ҳисобга олиниши.

Д-т	5110	К-т	Д-т	4430	К-т
			(1)		
		361,73			

Фойда солиғи бўйича мажбуриятларнинг ҳисобга олиниши.

Д-т	9810	К-т	Д-т	6430	К-т	Д-т	4430	К-т
(1)	1984,7	1984,7(1)						
		(2) 1984,7			1984,7(2)			

ҚҚС бўйича бшнак тўловларининг ҳисога олиниши.

Д-т	6010	К-т	Д-т	4450	К-т
			(1)		
		10019			

ҚҚС бўйича мажбуриятларнинг ҳисога олиниши.

Д-т	4010	К-т	Д-т	6450	К-т	Д-т	4450	К-т
(1)	10019	10019(1)						
		(2) 10019			10019(2)			

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича бўнакларнинг ҳисобга олиниши.

Д-т	5110	К-т	Д-т	4460	К-т
			(1)		
		177,37			

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича мажбуриятларнинг ҳисобга олиниши.

Д-т	9820	К-т	Д-т	6460	К-т	Д-т	4460	К-т
(1)	177,37	177,37(1)						
		(2) 177,37			177,37 (2)			

Юқоридаги бухгалтерия ўтказмаларни ҳисобга олишда бирламчи ҳужжатлар асос бўлади. Уларга тўлов топшириқномалари, банк кўчирмалари, ҳисобварақ фактуралар, тўлов талабномалари, инкассация топшириқномалари киради.

Корхонада солиқлар ҳисоб китобларини ҳисобга олишда манба бўлиб бирламчи ҳужжатлар асосида тузилган йиғма ҳужжатлар хизмат қилади. Ҳисоб китоблар электрон тарзда “1С.Предприятие” ва “Microsoft Excel” дастурларида амалга оширилади. Ҳисобот даври якунида барча солиқ турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоботлар тузилиб, солиқ инспекциясига электрон тарзда топширилади.

**III Боб. “О’зтемиryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси тўлайдиган
солиқлар юкини камайтириш ва корхона молиявий ҳолатини
яхшилаш чоралари**

3.1. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида тўланадиган солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини камайтириш йўллари

Мамлакат иқтисодиётини тартибга солишда солиқлар, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлардаги ва бошқа фаолиятлари учун зарур бўлган асосий молиявий манбалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солиш давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этиш мумкин.

Лекин шу билан бир қаторда тўланадиган солиқлар миқдори корхона молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда солиғи ва бошқа солиқлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади.

Фойда солиғи ва бошқа солиқлар тўлангундан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Соф фойда ҳажмининг ошиши ва унинг ўсиши ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициентиға фаол таъсир кўрсатади.

Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи молиявий ҳисобот ахбаротидан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати, корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқларнинг унинг ихтиёрида қоладиган соф фойдасига таъсирининг таҳлилини қўйидаги 3.1-жадвалда кўриш мумкин.

3.1-жадвал

“O’ztemiryo’lmashta’mir” УК да тўланадиган солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсири


Кўрсаткичлар	2013-йил	2014-йил	2015-йил	2015 йил 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
				+/-	%
Солиқ тулагунга қадар фойда					
Фойда солиғи ва бошқа солиқлар					
Фойда солиғи ва бошқа солиқларнинг солиқ тулагунга қадар фойдаги улуши.					
Корхона соф фойдаси					

Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

Юқоридаги 3.1-жадвалда корхона фойдасидан тўлайдиган солиқларнинг унинг ихтиёрида қоладиган соф фойдасига таъсири йиллар бўйича келтирилган. Унга кўра 2013-йилда солиқ тўлагунга қадар фойда 2023,953 млн. сўмни ташкил этган. Шундан 24,4% яъни 494,581 млн.сўми фойдадан олинадиган солиқларга тўғри келади. 2014- корхона солиқ тўлагунга қадар фойдаси ўтган 2013-йилга қараганда 45,8%га камайиб, 1095,748 млн. сўмни ташкил этган. Бунга собаб 2014-йилда давр харажатларининг ўтган йилга нисбатан 26% га яъни 2679,248 млн. сўмга ошганлиги бўлган. Аммо солиқ тўлагунга қадар фойданинг 45,8% га камайганига қарамасдан фойда солиғи суммаси нисбатан камроқ яъни 12,6%

га камайган, бу шундан далолат берадики солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлашда солиқ мақсадларида чегирилмайдиган харажатлар ҳам чегирилган. 2015-йилда солиқ тўлагунга қадар 2578,832 млн. сўмга тенг бўлиб, ундан 20,9% ни яъни 539,096 млн. сўмини фойда ва бошқа солиқлар ташкил қилган.

Фойда солиғи ва бошқа солиқларнинг корхона солиқ тулагунига қадар фойдаси таркибидаги улушини 4-расмдаги диаграмма орқали аниқроқ кўришимиз мумкин.



Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

3.1-расм. Фойда солиғи ва бошқа солиқларнинг корхона солиқ тўлагунга қадар фойдасидаги улушлари.

Корхона молиявий ҳолатига бюджетга тўланадиган солиқлар ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий адабиётларда, аксарият ҳолларда,

корхоналар фаолияти молиявий натижаларида бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсири бир томонлама талқин қилинади.

Фикримизча, корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларига бюджетга тўланадиган солиқларнинг салбий таъсирини ушбу тарзда талқин этиш солиқлар таъсирчанлигининг тор маънода талқин этилиши, деб ҳисоблашмумкин.

Шунинг учун ҳам, корхонанинг молиявий фаолиятига бюджетга тўланадиган солиқлар таъсирини кенг маънода эътироф этган ҳолда, уни рағбатлантирувчилик функцияси нуқтаи-назаридан ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина корхоналарининг молиявий фаолиятига бюджетга тўланадиган солиқларнинг таъсирини икки томонлама, яъни, бир томондан, бюджет манфаатлари ва иккинчи томондан эса, корхона манфаатлари нуқтаи-назаридан баҳо бериш мумкин.

Баъзан амалиётда солиқ органлари томонидан солиқ мажбуриятларини ундириш чораларининг нотўғри қўлланиши ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолларда корхона молия бўлими ходимларидан диққат билан қонун доириасида ҳаракатланиш талаб этилади.

Амалиётда солиқ бўйича мажбурий ундириш чоралари корхоналар молиявий қийин аҳволда бўлган пайтларда қўлланилади. Корхонанинг бундай аҳволга тушиб қолишининг асосий сабаби дебиторлик қарзларининг ўз вақтида ундирилмаслигидир.

Мазкур ҳолатни ўрганиб чиққан ҳолда корхонада дебиторлик қарзларини ҳисобини юритиш бўйича махсус дастурни ишга туширишни таклиф қиламиз:

Бунинг учун “Microsoft Excel”дастурида дебиторлик қарзларини муддатлари бўйича ҳисобга олувчи дастур яратилиб, унга дебиторлик қарзлари юзага келган саналари бўйича алоҳида-алоҳида киритилади. Ушбу

дастур электрон тарзда жорий санада дебиторлик қарзларини муддатларини ҳар куни ҳисоблаб боради.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси каби йирик саноат корхоналарида дебиторларнинг сони кўплиги сабабли таклиф қилинган дастур дебиторлар билан опиратив ишлаш имконини яратади.

3.2. “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонсида тўланиладиган солиқлар юкини камайтириш чоралари

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ сиёсати иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришда солиқларнинг ролини ошириш, уларнинг раҳбатлантирувчи функциясини кучайтириш, солиқларни унификация қилиш, иқтисодиётга солиқ юкини пасайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш каби йўналишларда олиб борилмоқда.

Солиқ ислохотлари тўғридан тўғри солиқларнинг ставкаларини камайтириш, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича тушумлларнинг давлат бюджетидаги улушини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай имтиёзлар ички инвесторларга ҳам берилишини кўзда тутувчи “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони имзоланиши билан иқтисодиётга инвестициялар жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришда янги босқич бошланди. Ушбу фармондан кўзда тutilган мақсад “хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илғор

замонавий ускуналар билан таъминлашга мқаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш...” дир.⁴

Фармонда хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган. Шунингдек ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилди.

Солиқларнинг камайтирилиши ҳамма вақт ҳам корхона учун ижобий наф келтирган, чунки солиқ ҳисобининг яхшиланиши билан корхонада ўз ишчиларини қўшимча моддий рағбатлантиришга, мукофотлар беришга имкон яралади. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун рағбат ҳозирги кунда ўта зарур нарс ҳисобланади.

Солиқ юки дейилганда ҳисобот даврида корхона томонидан бюджетга тўланган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммаси тўшунилади. Аммо барча солиқларнинг ҳам юки корхона зиммасига тушмайди. Хусусан билвосита солиқларнинг юки маҳсулот, иш ва хизматларнинг сўнги истеъмолчиси зиммасига тушади.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонасида 2015-йилда тўланган солиқларнинг асосий қисми яъни, 66% (10019 млн. сўм) и қўшилган қиймат солиғига, 13% (2007,2 млн. сўм) и жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига, 13% (1984,7 млн. сўм) и эса ер солиғига тўғри келиб, қолган қисми эса бошқа солиқларга тўғри келади.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.// Халқ сўзи., 2007 йил 15 март, №52.


Қўшилган қиймат солиғи истеъмолчилардан ундирилади ва бюджетга ўтказиб берилади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳам ходимларнинг иш ҳақидан ҳисобланиб, ушлаб қолинади. Корхона ўз харажатлари ҳисобидан тўланадиган солиқларнинг энг катта суммаси ер солиғига тўғри келади. Шунинг учун ҳам, корхонада ер солиғи харажатларини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ер солиғини камайтириш йўллари йўрганиб чиқиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф сифатида келтирдик:

Корхона ҳудудида фойдаланилмаётган жами 2,5 гектар ер майдонини мавжуд. Шундан 2 гектар га тенг ер майдони корхона цех бинолари ортида жойлашган бўлиб, корхона учун фойдаланишга ноқулай жойлашган. Мазкур ер майдонини корхона давлатга ёки бошқа шахсларга сотса жами 2016-йил ер солиғи ставкаси бўйича $158,7 (79,350 \cdot 2)$ млн. сўмлик солиқ юкидан озод бўлади.

Бундан ташқари камайган харажатлар ва ўз маблағлари ҳисобидан фойдаланилмаётган 0,5 гектарга тенг майданга корхона ходимларининг маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шугулланиши учун футбол майдончаси барпо этилса Ўзбекистон республикаси солиқ кодексининг 282-моддасининг 13-банди бўйича имтиёзга тушиб, жами 2016-йил ер солиғи ставкаси бўйича $39,675 (79,350 \cdot 0,5)$ млн. сўмлик солиқ юкидан озод бўлади.

Юқоридаги ер солиғи солиқ солиқ юкини камайтириш чоралари самарасини қуйидаги 3.2-расмда аниқроқ кўришимиз мумкин.



Манба: “O’ztemiryo’lmashta’mir” УК нинг ер солиғи бўйича ҳисоботи.

3.1-расм. Ер солиғи бўйича солиқ юкининг камайиши.

Фойдаланилмаётган бўш ер майдонларининг камайтирилиши ва мақсадли фойдаланиши натижасида корхона жами 198,375 млн. сўмлик солиқ юкини камайтиришга эришади.

Хулоса ва таклифлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда олибборилаётган ислохотлар доирасида транспорт соҳасида хусусан темир транспортида катта кўламда бунёткорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мана шундай бунёткорлик ишлари даврида “O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси каби саноат корхоналарининг урни муҳим.

“O’ztemiryo’lmashta’mir” Унитар корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми 2013-йилда 71820,3 млн. сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 16,5% га кўп бўлиб, 83723,5 млн. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 72214 млн. сўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмига нисбатан 14% га камдир. 2013-йилда жами 118 та тепловоз секцияларига хизмат

кўрсатилди. Жумладан, 1 та тепловозларнинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилди. 2014-йилда эса 108 та тепловоз секцияларига хизмат кўрсатилиб, бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 8% кам. 2014-йила 9 та тепловозларнинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилган. 2015-йилга келиб жами 91 та тепловоз секцияларига хизмат кўрсатилиб, жумладан 6 та тепловознинг хизмат муддати 8 йилга узайтирилди.

Бундан ташқари 2013-2014 йилларда маҳаллилаштириш дастури доирасида корхонада жами 1695,1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Жумладан корхона томонидан бюджетга ҳисобланган 2013-йилда жами 9222,5 млн. сўм солиқ ҳисобланган. 2014-йилда эса бюджетга ҳисобланган жами солиқлар 2013-йилга қараганда 60% га ошган. 2015-йилга келиб эса бюджетга ҳисобланган жами солиқлар ўтган йилга нисбатан 3,2% га ошиб, 15269 млн. сўмни ташкил этган.

Корхона томонидан тўланадиган солиқларни таҳлил қилиб шундай хулосага келдикки энг кўп миқдорда тўланадиган солиқ бу қўшилган қиймат солиғи бўлмоқда. Бунинг асосий омили сифатида корхонанинг қўшилган қиймат солиғига обороти ҳисобланадиган товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқариши ҳисобланади. Кейинги ўринларда маҳаллий солиқлар эгаллаган. Бу ҳолат корхонанинг йирик ҳажмдаги мол-мулкка эгалик қилиши туфайлидир.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида корхонанинг асосий иқтисодий ваолиятига тавсиф ва уларга таҳлил келтирилди. Жумладан корхона тўлайдиган солиқлар таркиби ўрганилиб 2013-2015 йилларда корхона томонидан амалга оширилган солиқ суммалари миқдори таҳлил қилинди. Иккинчи бобда корхона томонидан тўланадиган умумдавлат солиқларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили ўрганилди. Корхона ҳисоб сиёсатида биноан қуйидаги солиқларни тўлайди. Булар қуйидалар: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; юридик шахслардан олинадиган мол-мулк

солиғи; юридик шахслардан олинадиган ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини тўловчиси ҳисобланади. Учинчи бобда Корхонада солиқ тизими ва молиявий ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва солиқ юкини камайтириш йўллари ўрганиб чиқилди. Бунда корхонанинг солиқ юки миқдори ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, хулосалар чиқарилди.

Битирув малакавий иши бўйича қилинган хулосалар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Корхонада дебиторлик қарзларининг миқдори кўплиги ва улар оқибатида корхона молиявий ҳолати ёмонлашишини олдини олиш мақсадида дебиторлик қарзларини ҳисобини юритиш бўйича махсус дастурда ишлам;
- Корхона ҳудудида фойдаланилмаётган жами 2,5 гектар ер майдонини мавжуд. Шундан 2 гектар га тенг ер майдони корхона цех бинолари ортида жойлашган бўлиб, корхона учун фойдаланишга ноқулай жойлашган. Мазкур ер майдонини корхона давлатга ёки бошқа шахсларга сотса жами 2016-йил ер солиғи ставкаси бўйича 158,7 (79,350*2) млн. сўмлик солиқ юкидан озод бўлади.
- Бундан ташқари камайган харажатлар ва ўз маблағлари ҳисобидан фойдаланилмаётган 0,5 гектарга тенг майданга корхона ходимларининг маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шугулланиши учун футбол майдончаси барпо этилса Ўзбекистон республикаси солиқ кодексининг 282-моддасининг 13-банди бўйича имтиёзга тушиб, жами 2016-йил ер солиғи ставкаси бўйича 39,675 (79,350*0,5) млн. сўмлик солиқ юкидан озод бўлади. Бу эса ўз навбатида ер солиғи бўйича солиқ юкини 9% га камайтишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки. корхона темир йўл транспорти тизимига маҳсулот етказиб беришда ўзининг алоҳида ўрнига эга. Келгусида

корхона темир йўл транспорти ва халқ истеъмоли учун керак булган кўп хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқари қувватига эга. Солиқ борасида юқоридаги ва бошқа кўрсатмаларга амал қилиш, солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланиш корхонанинг келгусидаги фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистон Республикасининг 2015-йилги иқтисодий ва социал ривожланиш натижалари ва 2016-йилги вазифалар тўғрисида ”—Тошкент “Халқ сўзи”, 2016-йил 16-январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонун. —Тошкент 1996й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. —Тошкент. 2016й.

4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси, 2007-2016 йиллар
5. “Махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиш тартиби тўғрисида Низом» -Т.:1999,2016 й.
6. Иткин.Ю.М., Сотиволдиев А.С., Тўлахўжаева М.М., Гадоев Э.Ф. “Замонавий бухгалтерия ҳисоби”.—Т.:,2008 й.
7. Ф.Г.Ғуломова «Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма».-Т.:«NORMA», 2013й
8. М. Умарова , “Бухгалтерия ҳисоби”,- Т.:, 2005 й.
9. Силаев Н.И. «Темир йул транспорти молияси».- Т.: Академия, 2007 й.
- 10.А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов «Бухгалтерия ҳисоби».- Т.: Шарк нашриёти, 2004 й.
- 11.А. Жўраев, Ш. Тошматов, О.Абдурахманов “Солиқлар ва солиққа тортиш”. - Т.: Норма 2009 й.
- 12.Vohobov A., Ibrohimov A., Ishonqulov N. “Moliyaviy va boshqaruv tahlili”,-- Toshkent “Sharq”, 2012 y.
- 13.Jo’rayev A., Vohobov A. “Soliq va soliqqa tortish”. O’quv qo’llanma— Toshkent, 2009 y.
- 14.Солиқ ва божхона хабарлари газетаси .—Т.:, 2013-2016й.
- 15.Солиқ Инфо газетаси.—Т.:, 2013-2016 й.
- 16.Интернет сайтлари:
<http://www.gov.uz>.
<http://www.ziyonet.uz>.
<http://www.nalog.uz>.
<http://www.tashiit.uz>
<http://www.leks.uz>
<http://www.tash-trz.uz>
<http://www.uzrailway.uz>

